

«КОНЦЕПТУАЛ / КОГНИТИВ СЕМАНТИКА» ТАВСИФИ

Ашуров Мўмин Умаржонович
АДЧТИ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақола тилшуносликнинг замонавий йўналишларидан бири ҳисобланган когнитив тилшунослик доирасидаги когнитив ва концептуал тушунчаларнинг таърифий хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган. Мақолада ушбу тушунчаларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг лингвистик ҳодисаларни тушунтиришдаги роли ва когнитив тилшуносликнинг назарий асосларидаги аҳамияти кўриб чиқилади. Тадқиқотда когнитив тузилмалар, ментал моделлар ва категоризация жараёнлари каби асосий когнитив механизмлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Когнитив грамматика, категорик ёндашув, терминологик ёндашув, Лингвокультурологик, культурологик таҳлил, концепт, психолингвистика, концептосфера, билим квантлари, лингвистик воситалар.

Аннотация: Данная статья посвящена анализу описательных свойств когнитивных и концептуальных концептов в рамках когнитивной лингвистики, которая считается одним из современных направлений лингвистики. В статье рассматриваются взаимосвязи этих понятий, их роль в объяснении лингвистических явлений и их значение в теоретических основах когнитивной лингвистики. В исследовании анализируются основные когнитивные механизмы, такие как когнитивные структуры, ментальные модели и процессы категоризации.

Ключевые слова: когнитивная грамматика, категориальная организация, терминологическая организация, лингвокультурология, культурологические исследования, концептуология, психолингвистика, концептосфера, квантование знаний, лингвистические феномены.

Annotation: Annotation: this article is devoted to the analysis of the descriptive properties of cognitive and conceptual concepts in the framework of cognitive linguistics, which is considered one of the modern directions of linguistics. The article examines the relationships of these concepts, their role in explaining linguistic phenomena and their importance in the theoretical foundations of cognitive linguistics. The study analyzes basic cognitive mechanisms such as cognitive structures, mental models, and categorization processes.

Key words: cognitive grammar, categorical arrangement, terminological arrangement, linguoculturology, cultural studies, conceptology, psycholinguistics, conceptual sphere, knowledge quantization, linguistic phenomena.

Биз когнитив тилшунослик хусусида фикр юритар эканмиз, албатта ўз-ўзидан когнитив семантика тушунчасига тўхталишимиз ўринликдир.

Ушбу (когнитив) семантикани дастлаб ўрганган олимлар булар психоллингвистлар саналади.

Улар ўз тадқиқотларида новербал ўйлашнинг мавжудлигини исботладилар ва шунингдек, инсон мясидаги концептуал тизимнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги устида баҳслашганлар. Концептуал тизим доим ўзгариб турадиган ва ривожланиб борадиган тушунчалардан иборатдир. Олимлар белгиларни инсонлар томонидан яратилган деб хулоса қилиб, улар энг муҳим ахборотларни етказиб бериш учун хизмат қилишини таъкидлаганлар. Лекин, уларнинг назарида, концептуал тизим каттароқ ва фақатгина унинг кичиккина бўлаги белгилар орқали ифодаланади.

Когнитив семантика тилнинг маъносини инсонлар мясида қандай акс этишига қараб белгилайди ёки ифодалайди. Анъанавий семантикадан фарқли равишда, когнитив семантика лингвистик воқеа – ҳодисаларни экстралингвистик факторлар яъни, асосан психологик ва ижтимоий – маданий факторларга таяниб ўрганади.⁷¹

Когнитив семантикага фан сифатида катта ҳисса қўшган олимларнинг бири А. Вежбискаядир. Унинг таъкидлашича, белгиларни ўрганаётган пайтда, биз инсоннинг концептуал тизимини ўргана оламиз ва унинг учун қайси даврда қандай тушунчалар муҳим эканлигини англаб олишимиз ҳам мумкин.⁷² Юқорида таъкидланганидек, инсоннинг ўйлаш жараёни новербал акс этади ва белгилар ёрдамида тушунилади. Когнитив семантика назариясига кўра, тил контейнер ва инсон мясидаги билимлар жамланмасидир. Тил инсон сифатини акс эттиради. Шунинг учун, когнитив семантика прагматикани ҳам ўз назаридан четда қолдирмайди⁷³.

Тилшунос олим Ш. С. Сафаровнинг қайд этишича, “Когнитив семантиканинг асосий вазифаси маъно тузилишини акс эттирувчи ментал қолиплар, шаклларнинг воқеийлигини, уларнинг имкониятларини аниқлаш, тўғрироғи – кўрсата олишдир”.⁷⁴

Когнитив семантика анъанавий семантикадан муаммоларнинг қўйилиши ва уларни ечишнинг методлари билан фарқланади. Тил ва билимлар нисбатининг муаммоси когнитив семантика масалаларини, тилга билиш воситаси тарзида тегишли бўлган ҳамда тил ва фикрлаш ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муаммоси тилшуносликнинг анъанавий мавзуларини янгича англаб олиш имкониятини берувчи тадқиқотларни биринчи қаторга олиб чиқади.⁷⁵

⁷¹ Турли тизимли тилларда “тўй” концептини воқеаланттирувчи паремиологик бирликларнинг қиёсий тадқиқи Ғ. М. Хошимов – Филология фанлари доктори, профессор (ФарДУ) З. А. ҚОҶҚОРОВА – Лингвистика: инглиз тили йўналиши магистранти (ФарДУ) THE 2 nd ONLINE INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY ISSUES OF APPLIED LINGUISTICS AND ACTUAL PROBLEMS AND SOLUTIONS IN DISTANCE EDUCATION APRIL 22, 2021 COLLECTION (OF ARTICLES AND CONFERENCE MATERIALS)

⁷² Вежбиска А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики. М.: Языки славянской культуры, 2001. С. 272.

⁷³ Ғ. М. Хошимов, з. А. Қоққорова фарду магистранти «турли тизимли тилларда “тўй” концептини воқеаланттирувчи паремиологик бирликларнинг қиёсий тадқиқи» the 2 nd online international conference on interdisciplinary issues of applied linguistics and actual problems and solutions in distance education april 22, 2021 collection (of articles and conference materials).

⁷⁴ Ш. С. Сафаровнинг қайд этишича, “Когнитив семантиканинг асосий вазифаси маъно тузилишини акс эттирувчи ментал қолиплар, шаклларнинг воқеийлигини, уларнинг имкониятларини аниқлаш, тўғрироғи – кўрсата олишдир”

⁷⁵ Бабушкин А. П. “Концептуальные типы значений. Контрастивные исследования лексики и фразеологии русского языка”. Воронеж, 1996.

К.С.Шиляев “Введение в когнитивную лингвистику” ўқув қўлланмасида когнитив тилшунослик соҳаси икки катта блокга бўлинишини таъкидлайди: когнитив семантика (cognitive semantics) ва когнитив грамматика (cognitive grammar). Кўпгина тушунчалар шаклнинг эмас, балки маънонинг муҳимлигини таъкидлайди, шунинг учун Р.Лангакер ҳатто когнитив грамматика доирасида ҳам биринчи навбатда тилнинг семантик таркибий қисмини тавсифлайди. Когнитив семантик тушунчалар тажриба, концептуал тизим ва тилда кодланган семантик тузилиш ўртасидаги боғлиқликни ўрганади. Ушбу муносабатлар лингвистик категоризация тушунчалари, идеализация қилинган когнитив моделлар, фреймлар ва доменлар, концептуал метафора ва унинг вариантлари, образли схемалар, ментал майдонлар ва концептуал интеграция орқали кўриб чиқилади.

Когнитив грамматика доирасида тадқиқотчилар лисоний стимулларнинг грамматик ташкил этилишини белгиловчи умумий тамойилларга ёки маълум бир тилнинг грамматик воситаларини конструкциялар грамматикаси шаклида инвентаризациялашга эътибор қаратадилар.⁷⁶

Америка классик когнитивизми ва Россия структур-семантик тадқиқотлари - бир-биридан мустақил равишда ишлаб чиқилган ва турли хил атамалардан фойдаланилган. Бироқ, ушбу тадқиқотлар натижасида топилган категориялар кўп жиҳатдан ўзаро кесишади. Бу ҳодиса Е.В.Рахилина асарларида яхши кўрсатилган бўлиб, у америкалик когнитив тилшунослар ва Ю.Д.Апресяннинг Москва семантика мактаби терминологиясини ўзаро боғлашга уриниб кўрди.⁷⁷

Замонавий когнитив тилшунослик дунёнинг турли хил илмий марказларида жадал ривожланмоқда, бу эса категорик ва терминологик ёндашувда, когнитив тилшуносликнинг асосий вазифаларини тушуниш ва турлича тадқиқот методларидан фойдаланишда маълум фарқларни келтириб чиқаради.

З.Д.Попова ва И.А.Стернинлар когнитив тилшуносликнинг қуйидаги йўналишларини таснифлайдилар:

- лингвокультурологик
- культурологик
- мантиқий
- когнитив-семантик
- фалсафий-семантик.

Ушбу соҳалар замонавий тилшуносликда аллақачон шаклланган деб ҳисоблаш мумкин, уларнинг барчаси ўзига хос услубий тамойилларга эга (уларнинг барчасини, биринчи навбатда, “концепт онг бирлиги” эканлиги тўғрисидаги назария бирлаштиради) ва когнитив тилшунослар тарафдорлари орасида машҳур илмий мактабларнинг вакиллари етарлича.⁷⁸

⁷⁶ Шиляев К.С. Введение в когнитивную лингвистику. Томск: ТГУ, 2018. – С. 9

⁷⁷Рахилина Е.В. Когнитивная семантика: История. Персоналии. Идеи. Результаты// Семиотика и информатика 1998 № 36. – С. 49

⁷⁸Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. Москва, АСТ: «Восток-Запад» 2007. - С. 12

Когнитив тилшунослик психоллингвистиканинг назарий асослари негизда шаклланди дейиш мумкин. Айнан, психоллингвистлар новербал фикрлаш, яъни одамлар онгида концептосфера - билим квантларидан иборат доимий равишда ўзгариб турадиган ва янгиланадиган концептлар мавжудлигини асослаб бердилар. Маълум бўладики, тил белгилари одамлар томонидан муҳим маълумотларни алмашиш учун яратилади, яъни энг кенг тарқалган ва коммуникатив жиҳатдан талаб қилинадиган концептлар унинг лингвистик воситалар билан кўрсатилган қисмига қараганда анча катта ва кенгроқ концептуал маъноларни ифодалайди. Психоллингвистиканинг бундай назарий ютуқлари когнитив тилшунослик методологиясини яратишга асос бўлди.⁷⁹

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш. С. Сафаров “Когнитив тилшунослик”
2. Бабушкин А. П. “Концептуальные типы значений. Контрастивные исследования лексики и фразеологии русского языка”. Воронеж, 1996.
3. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. Москва, АСТ: «Восток-Запад» 2007. - С. 12
4. Рахилина Е.В. Когнитивная семантика: История. Персоналии. Идеи. Результаты// Семиотика и информатика 1998 № 36. – С. 49.
5. Шиляев К.С. Введение в когнитивную лингвистику. Томск: ТГУ, 2018. – С.
6. Ғ. М. Хошимов, З. А. Қочқорова фарду магистранти «турли тизимли тилларда “тўй” концептини воқеалантирувчи паремиологик бирликларнинг қиёсий тадқиқи» the 2 nd online international conference on interdisciplinary issues of applied linguistics and actual problems and solutions in distance education april 22, 2021 collection (of articles and conference materials).

⁷⁹ Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. Москва, АСТ: «Восток-Запад» 2007. - С. 13